

## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2016 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 16099 тани ташкил қилди.

2016 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 67,4 фоизи (2015 йил январь-июнда 66,9 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 807,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 82,9 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 547,4 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 137,3 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1037,1 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 67,1 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 25,7 фоизни ташкил қилди;

- 1302,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 8,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 98,1 фоизи) ташкил қилди.

- 477,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 40,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 28,5 фоизга ўсди;

- 570,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 96,6 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-июнига нисбатан 15,2 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 110,6 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 10,9 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 113,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 7,4 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,2 фоизи ёки 2292,7 млрд. сўми (ўсиш 18,1 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 13,0 фоизи ёки 235,9 млрд. сўми (ўсиш 16,3 фоиз) шакллантирилди;

2016 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари махсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари махсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1302,0	78,3
Саноат	1037,1	64,5
Қурилиш	570,0	62,7
Чакана савдо	2292,7	73,3
Юк ташиш, млн тн.	19,0	59,8
Йўловчи ташиш, млн.киши	190,7	90,1
Экспорт, млн. АҚШ долл.	64,3	87,9
Импорт, млн. АҚШ долл.	133,4	90,5

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари махсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

